

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика илмий – амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2017 йил 29 апрель



2 – ҚИСМ

ГУЛИСТОН - 2017

Е). Алоҳида сифатларни шакллантириш.

Педагогика предмети чегарасининг ноаниқ белгиланиши билан бундай ҳолат (тарбия тўғрисидаги фан бўлиб ҳисобланадиган) унда ривожланади-ган инқирозлар сабабларидан бири ҳисобланади:

Олий мактабда тарбия, талабаларда таълим олиш жараёнида кўзда тутилган дунёқараш тизимини, ахлоқий нормалар ва умуммаданий сифатларни вужудга келишига йўналтирилган олий ўқув юртлари ходимларининг махсус иши ҳисобланадиган таърифнинг асоси сифатида

қабул қилган ҳолда, ўқишнинг кундузги шаклида анъанавий олий ўқув юртларида ушбу йўналишда иш ҳажмида кўриш мумкин. Виртуал олий ўқув юртларида талабалар билан нима қилиш кераклигини белгилайдиган ишлар, афсуски, кам.

Шубҳасиз, замонавий ахборот-таълим муҳитида талабаларни талаб этиладиган билим ва кўникмалар билан таъминлаш мумкин. Интернет тармоғида “Ўқиш” бу оддий инсоний мулоқотдан узилган ҳолда, мустақил ишнинг катта босқичидир.

Интернет-ўқитишда соғлиқни сақлаш ва талабалар ва ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзинини тарғибот қилиш муаммолари фаолаштирилади ва ҳал этиш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ўқув материал сифати, ўқитиш сифати ва таълим стандартларига мувофиқлиги муаммоларини шарҳларсиз қолдириш мумкин, чунки унинг долзарблиги ва муҳимлиги яққол кўриниб турибди. Шунингдек физика фанини мукамал ўрганишда замонавий электрон техника асбобларини қўллаган ҳолда вертуал тажриба дарсларни ташкил қилиш, бунинг учун эса, электрон тажрибахоналар ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш муаммолари. Ушбу муаммони ҳал этиш барча қолган муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигини билдиради.

Шундай қилиб, шакллантирилган муаммолар ахборот-таълим муҳитининг пайдо бўлишида ва очиқ таълим тизимининг ривожланишида ҳаракатларнинг ўзига хос режаси ҳисобланади. Ушбу доимо ўзгарадиган ва кенгайдиган муаммоларнинг динамик рўйхатидир. Электрон педагогиканинг валеологик ва тарбиявий муаммолари белгиланмаган ва ишлаб чиқилмаган бўлиб ҳисобланмоқда.

Адабиётлар

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.
2. Андреев А.А. Педагогика высшей школы (Новое издание) – М.: МЭСИ, 2002.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Бекназарова З.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Хозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кўчайиб бормоқда.

Олий таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда.

Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Шунинг учун олий ўқув юртларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли

бўлишларини таъминлайди.

Бу вазифаларни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатилади. Хар бир машғулотда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, талабаларда мустақил ва ижодий фикрлашни ривожлантириш, ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш, мустақиллик тамойиллари ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш малака ва кўникмаларни шакллантириш масалаларига эътибор қаратилади. Мазкур фаоллик хар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик - психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Физикани ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириш, ўқитувчи томонидан қўлланилган замонавий педагогик технологияларга боғлиқ бўлади. Бизга маълумки, олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишнинг шакллари билан бири бу лаборатория машғулоти. Лаборатория машғулотида талабалар марузада олган билимларини мустахкамлайдилар, тажрибаларни ўз куллари билан бажариб натижа олишади ва мавзу бўйича ўз кўникмаларини мустахкамлайдилар. Яъни, лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўргазмалли ўрганиш имконини беради.

Физика фанидан лаборатория машғулотларини олиб боришда “Блиц”, “Қандай”, “Ақлий хужум” методлари элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу методлар талабаларни лаборатория ишларини бажариш кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, талабанинг мавзу бўйича назарий билимларини мустахкамлашга ва гуруҳ талабаларини қисқа вақт ичида баҳолашга имконият яратади.

Дарснинг ташкилий қисмидан сўнг, ўқувчиларга ушбу технологияларни олиб бориш босқичлари ҳақида тушунча берилади ва баҳолаш мезонлари билан таништирилади.


Бугунги кунда Тошкент ирригация ва мелиорация институти, “Физика ва кимё” кафедрасида физика фанидан лаборатория машғулотларини олиб боришда замонавий педагогик технологиянинг шу методларидан фойдаланиб дарс машғулотлари олиб борилмоқда ва самарали натижаларга эришилмоқда. Масалан: “Галилей тарновида думалаётган шарчанинг ишқаланиш думаланиш коэффициентини ва шар тўсиққа урилганда куч импульсини аниқлаш” мавзусидаги лаборатория машғулотини олиб боришда ушбу методлардан фойдаланилди.

“Блиц” технологияси методи, 1-илова

Талаба жавоби	Тўғри жавоб	Ишни бажариш тартиби
		Шарни тортиб, уни массасини (m) аниқланг.
		Секундомер ишлашини текширинг ва шар думаланиши учун кетган вақт (t) ни ўлчанг.
		Галилей тарновини ўқитувчи томонидан берилган узунликка (l) қўйинг. h_1 ва h_2 баландликларни ўлчанг ва $h_2 - h_1$ қийматини жадвалга ёзинг
		Шарнинг тўсиққа урилиб қайтиш масофаси (l_1) ни ўлчанг
		Тўсиқ қўйиб шар думаланиши вақтида босиб ўтган масофани ўлчанг (l).
		Шар радиусини (r) ўлчанг.
		Хамма ўлчашларни камида 5 марта такрорланг ва уларни қийматини жадвалга ёзинг.
		Хисоблаш формулалари ёрдамида думаланиш ишқаланиш коэффициентини ва шар тўсиққа урилгандаги куч

		импульсини ҳисобланг.
		$\frac{h_2 - h_1}{l} = \sin \alpha$, α қиймати бўйича $\cos \alpha$ ва $\operatorname{tg} \alpha$ лар топилади.

«Қандай?» методи, 2-илова



“Ақлий ҳужум” методи, 3-илова

№	Назарий саволлар
1	Ишқаланиш кучлари нималарга боғлиқ?
2	Тарновдан думалаётган шар тезланиши нималарга боғлиқ?
3	Жисм импульси деб нимага айтилади?
4	Куч импульси нима?

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида янги педагогик технологиялар таълим олувчиларнинг фанга, мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ва машғулотда фаоллигини оширади. Янги педагогик технологиялар асосида олган билимларни мустахкамлашга, ўз фикрларини мустақил баён этишга, фаол иштирок этишга, ўз тенгдошлари билан биргаликда вазифаларни бажариш, ўзгалар фикрларини ҳурмат қилишга ёрдам беради. Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Худди шундай педагогик инновациялар ҳар томонлама камол топган, баркамол авлодни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади.

FIZIKA FANI O'QITUVCHISINI KOMPITENTLIGINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Axmedov A.A., Xushvaqtoev B.N.
Navoiy davlat pedagogika instituti

Bizning uzoq yillik olib borilayotgan pedagogik tadqiqotlarmiz shuni ko'rsatamoqdaki, bo'lajak fizika fani o'qituvchilarini tayyorlashda kompetentlik asosiy faktor hisoblanadi. Bizning olib borayotgan pedagogik tadqiqotlar zamirida aynan o'qituvchining nazariy amaliy va eksperimental uslubiy izlanishlariga innovatsion yo'ndashuv masalalari ko'rib chiqilgan edi. Talabalarning bugungi kundagi talab va ehtiyojlarini qondirish, jahon andozalariga mos mutaxassislar tayyorlashda faqatgina amaliy tajribalar o'tkazish bilan chegaralanib qolib bo'lmaydi. Fan texnologiyalarni jadal rivojlanishi axborotlarni qabul qilish va uni tahlil qilib, xulosalarga kelish orqali ma'lum bir malaka shakllantiriladi. Talabalarga individual yondashuv kompleks yondashuvga nisbatan samarali natija berishi hech kimga sir emas [1,2,3,4]. Fizika fani o'qituvchisining shakllalanishida bosh ijobiy ta'sir etuvchi omil kompetentlik bo'lib, u o'quv jarayoni sifat darajasini oshiradi yuqori samaradorlikka olib boradi. Bo'lajak

69.	Бекнозарова З.	Физика фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий қилиш	116
70.	Axmedov A.A., XushvaqtoV B.N.	Fizika fani o'qituvchisini kompetentligini rivojlantirish omillari	118
71.	Xudoyberdiyev G., Xolbo'tayev Sh., Jumanov F., Narzullayev S.	Fizikada darslarida charxpalak interfaol metodidan foydalanish	120
72.	Qalandarov E.Q., Muratov S.S., Berkinov A.A.	Qattiq jismlar fizikasini o'qitishda keys stadi imkoniyatlaridan foydalanish	122
73.	О.Раджапова, М.Атаева.	Физикадан ўқув масалаларини тузиш	123
74.	G.R.Мамажонова	Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarda "Bio – Savar – Laplas" qonunini kompyuter texnologiyalaridan foydalanib o'qitishning ahamiyati	124
75.	Усаров Р.Р., Хайдаров А.А.	Физика фанини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш	126
76.	Kurbonova Sh.A., Karimova M.O., Mirzaakramova N.A.	Kvant fizikasida virtual laboratoriya ishlaridan foydalanish	127
77.	О.С.Ражабова, М.Тўрақулова	Лаборатория машғулоти - илмий билимларини омиллари	128
78.	Х.Х.Тажибоева, П.Усманова, Курбонова Ш.А., Бойдедаева К.У.	Физика фани бўйича интерфаол методларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш	129
79.	Rahmonova G.Z.	Akademik litseylarda "elektrodinamika" bo'limini o'qitish metodikasini takomillashtirish	130
80.	Ниязов Ш.К., Абдувоҳидов А., Шакаров Х. Элмуродов Р.	Нанотаълимни ўрганиш давр талаби	132
81.	М. Исроилов	Рейтинг натижаларига статистик ишлов бериш	134
82.	М. Исраилов	Академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида физика фани ўқитилишини қайтадан кўриб чиқиш	136
83.	Komilov M., Komilova D., Risboyev T., Xoliqov Z.	Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarda kremniy monokristallining ayrim xossalarini o'rganish	138
84.	М.А.Эшмирзаева, Н. С. Ҳамраев	Умумий физика(электромагнетизм) курсини ўқитишда магнит заряди тушунчасини киритиш муаммолари	141
85.	Аширов Ш.А., Нуруллаева О.Ф.	Физикадан намоиш тажрибалари ахборотининг мазмундорлик технологик тузилмасини яратиш	142
86.	Элмуродов Р., Комилов М., Эргашов Ф.	Электр заряди ҳақидаги таълимотга бағишланган умумлаштирувчи дарс ўтиш методикаси	144